КУТУБХОНАСИ

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 145 (10.450) / 2005 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларининг катта кўламини, бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, ор-номус, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам эканини эътиборга олиб ҳамда кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, ижодий уюшмалар ва жамоатчиликнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик санасини 2006 йилда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита томонидан қайта кўриб чиқилган ҳолда:

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага, Қарши шаҳрида тарихий обидаларни таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ҳамда ижтимоий ва коммунал соҳада хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин.

2. 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилсин.

3. Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, «Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказсин.

4. Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Фанлар академиясининг Тарих институти билан биргаликда, мактаб ўқувчиларининг 2006 йил май-июнь ойларида Қарши шаҳрида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари дастури доирасида, юртимизнинг қадимий давлатчилик ва маданият тарихи, Амир Темур ва темурийларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан алоҳида танлов ўтказилишини назарда тутсин.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Қашқадарё воҳасининг бой тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этишга йўналтирилган минтақавий дастур ишлаб чиқиб, уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгиласин.

6. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари 2006 йилги давлат бюджети ҳамда инвестиция дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қарши шаҳрида юбилей тантаналарини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлашни кўзда тутсин.

Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина маблағ билан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

7. Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан /божхона расмийлаштируви тўловларидан ташқари/ озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 26 июль.*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тасдиқлаш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг раҳбари этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 26 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида миллий истиқлол ғояси ва замонавий кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, халқ таълими тизими мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.**

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ЁШЛАР

Академия ректори Қ.Назаров бошқарган анжуманда таъкидланганидек, миллий истиқлол ғояси буюк давлат барпо этиш йўлида халқимизнинг асосий мақсад муддаоларини ифодалайдиган, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим маънавий омилдир. Ҳар бир фуқарони мамлакатимиз келажаги учун доимо масъулиятни ҳис этган ҳолда яшашга ва меҳнат қилишга, аждодларимиз бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналарига муносиб бўлишга чорлаш ушбу ғоянинг бош мақсадидир.

Асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавиятимизни ўзида ифода этувчи ушбу ғояни халқимиз, айниқса ёшлар онгига чуқур сингдириш бугунги кундаги долзарб вазифалардандир.Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги фармойиш бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур фанга оид кўплаб ўқув адабиётлари, дарсликлар, қўлланмалар яратилаётир. Миллий истиқлол ғояси олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, халқ таълими тизими муассасаларида алоҳида фан сифатида ўтилиб, таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Айни пайтда жаҳонда рўй бераётган геосиёсий жараёнлар, ёшлар онгига таъсир ўтказиш орқали мамлакатимиздаги барқарорликни издан чиқаришга интилиш мафкуравий тарбия соҳасига янада талабчанлик билан ёндашувни талаб этаётир. Бу эса ёш авлодни ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари деб жар солаётган ғаразгўй кимсалардан, зарарли ахборот хуружларидан, мутаассиблик ва терроризм балосидан асрашда миллий истиқлол ғояси фани мутахассислари, олимлар, педагоглар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Анжуманда миллий истиқлол ғояси фани доимо янгиланиб борувчи фан эканини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўқитилишида самарадорликни янада ошириш, бунда энг замонавий ва унумли педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, фалсафа, психология каби фанлар билан алоқасини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Шу билан бирга янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чоп этиш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

**• Фарғона вилоятининг Сўх туманида мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўзига хос байрам — «Маҳалла куни» ўтказилмоқда.**

**• Республикада доимий фаолият кўрсатувчи Қоракўл териси ва маҳсулотларини сотиш бўйича улгуржи-савдо кўргазмасининг биринчи босқичи якунланиб, унда қарийб 0,2 миллион АҚШ доллари миқдорида шартномалар имзоланди.**

**• Навоий шаҳрида давлат грантлари асосида таълим берадиган Компьютер технологиялари академик лицейи ташкил этилди.**

**• Ғиждувон туманидаги 62-мактаб-интернат Франциянинг «Перро» компанияси томонидан замонавий ускуналар билан жиҳозланди.**

**• Тошкент вилоятидаги Хўжакент сув омборида эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари август ойи охирида Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрмоқдалар.**

### Жаҳонда

**• Миср полицияси Шарм ал-Шайхдаги террорчилик ҳуружига дахлдор деб тахмин қилинаётган 6 нафар покистонлик шахсни изламоқда.**

**• Венесуэла Президенти Уго Чавес ташаббуси билан мамлакатда янги телеканал иш бошлади.**

**• 2012 йилда Англия пойтахти Лондон шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, «Миллий мерос» лотереялар фонди Буюк Британиядаги сайёҳларга юқори даражада хизмат қилиши лозим бўлган учта музейга 38 миллион фунт стерлинг ажратди.**

**• Россия Федерацияси Олтой ўлкасининг Сростки қишлоғида иқтидорли кино актёри, режиссёр ва ёзувчи Василий Шукшин таваллудига 76 йил тўлиши муносабати билан хотира кечаси ўтказилди.**

### ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

# ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ — МАДАД ПОЙДЕВОРИ

**Бугунги кунда ўз-ўзидан маълумки, қаерда тадбиркор кўп бўлса, тадбиркорлик ривож топса, ўша жойда ишлаб чиқариш ҳам ривожланади, аҳолининг иш билан таъминланиши ортади, шу асосда оилаларга ҳам кут-барака киради, турмуш фаровонлиги ҳам ортиб боради.**

Шу боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир. Албатта, тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало ушбу соҳа ходимларига қулай шароитларни яратиб бериш баробарида ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жуда муҳим. Ана шунда ишлайман, ўзим бой бўламан, юртимнинг бойлигига ҳисса қўшаман, элим фаровонлигида улушим бўлади, деган тадбиркор ўз имкониятларини янада тўлароқ намоён этади, ташаббус кўрсатади, қилаётган ишига иштиёқи ортаверади.

Тадбиркор кўпинча нимадан хафа бўлади? У ноқонуний текширувлардан, фаолиятига беҳуда аралашувлардан ранжийди. Ҳақиқатан ҳам эндигина ривожланиш йўлига кирган тадбиркорни бундай ҳолатлар ишдан чалғитади, вақтини олади. Бунинг устига арзимаган, жиндеккина хатони топиб унинг юрагига ғулгула солишлар асабини чарчатади, ишдан кўнглини ҳам совутиши турган гап. Буни биз бошқармамизга ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида мурожаат қилган кўпгина тадбиркорларнинг ишларини кузатиб, фаолиятларини ўрганиб кўп бор гувоҳи бўлганмиз.

Шуниси қувонарлики, жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига ана шундай аралашувларнинг бутунлай тўхтатилиши Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, мазкур Фармонга кўра 2005 йил 1 июлдан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилиши тадбиркор ва назорат қилувчи органлар муносабатларида учрайдиган тушунмовчиликларнинг олдини олади. Зеро тадбиркорнинг ҳимояси унга янада ташаббускорлик бағишлайди, янги ғоялар устида ишлашга ундайди.

Ҳозирга қадар республикамизда хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) солиқ органлари, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилар, шунингдек текширишни тайинлаш ваколати Бош прокуратура, Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органларига берилган ва улар томонидан амалга оширилиб келинар эди. Муқобил тарзда ўтказиладиган текширишларда ушбу текширилаётган хўжалик субъектига бевосита чиққан ҳолда, барча ҳужжатларни олиб, ўрганилларди.

Фармоннинг 2-бандига мувофиқ эса эндиликда тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) фақат Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилиши ҳамда улар томонидан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш давомида жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, шу жумладан солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг бўлинмаларига тақдим этиб борилиши белгиланди.

Бундан ташқари Фармонга асосан, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари устидан ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгарлиги, ҳатто жиноий жавобгар бўлишлари ҳам белгиланди. Шунингдек, хўжалик субъектларида муқобил текширишларни фақат жиноий иш қўзғатилган ҳолатларда ўтказилиши ва уни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилди.

Бунинг афзаллик томони ҳақида тўхталадиган бўлсак, амалда вужудга келган ҳолатга кўра хўжалик субъектларини назорат қилувчи органлар текшириши жараёнида аксарият ҳолларда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти кескин қисқаради, айрим ҳолларда тўхтаб қолиши ва натижада корхонага катта молиявий зарар келтирилишининг олдини олади. Тадбиркорлик субъектларини текшириш ваколатига эга бўлган назорат органларининг қисқартирилиши уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир этмайди, балки жамоада янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишига олиб келади.

Энг асосийси Фармонда жамиятимиз ҳаётидаги янгилик — тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг бирлашмалари томонидан тузиладиган ҳакамлар судларини жорий қилишдир. Бу, шубҳасиз муҳокамада яна ҳам холислик бўлишини таъминлайди.

Сирасини айтганда, юқоридаги Фармон жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш сари қўйилган шаҳдам қадамлардан бири, десам асло муболаға бўлмайди. Ҳужжат билан танишар экансиз, унда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш вазифаси қўйилганини англайсиз. Кўзланган асосий мақсад эса назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдир. Зеро ҳар томонлама мукаммал ҳуқуқий база тадбиркорнинг таянчи, мадад тоғи бўла олади. Албатта, тадбиркорлар сафининг кенгайиб, уларнинг иқтисодиётимиз ривожидаги улушлари салмоқли бўлишида юқоридаги Фармоннинг аҳамияти беқиёсли, буни тадбиркорларимиз ҳам мамнуният билан ҳис этишмоқда.

**Одилжон АЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими ходими**

# ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИ УЧУН УСКУНАЛАР

**БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Тошкент халқаро аэропортига «Аэропортда виза назорати» лойиҳаси доирасида умумий қиймати 17567,12 евро бўлган жиҳозлар топширилди.**

«Аэропортда виза назорати» БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаларидан биридир. Чегаралар бошқармасини замонавийлаштиришни кўзда тутувчи мазкур лойиҳа Ўзбе-кистонда Европа Иттифоқининг BOMCA-4 дастури дои-расида миграция халқаро ташкилоти билан биргаликда амалга оширилади.

2000 йилдан эътиборан Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатларига хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича ёрдам кўрсатиб келмоқда. Минтақада Европа Иттифоқи томонидан икки дастур ишлаб чиқилмоқда ва улар доирасида лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларнинг бири Марказий Осиёда чегаралар бошқармаси бўйича «BOMCA» дастури бўлса, иккинчиси Марказий Осиёда гиёвванд моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган «CADAP» дастуридир. Ҳар икки дастурдан кўзланган мақсад Марказий Осиё мамлакатларига ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, чегаралар орқа-ли фуқаролар ва товарларнинг қонуний ҳаракатланиши бўйича ёрдам кўрсатишдан иборат. «CADAP» дастури гиёвандлик моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган.

«BOMCA» ва «CADAP» дастурлари Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилади ва БМТ Тараққиёт дастурининг Марказий Осиё мамлакатларидаги ваколатхоналари орқали жойларда амалга оширилади. Бунда Божхона ва Давлат чегараларини қўриқлаш қўмиталари асосий ҳукумат шериклари ҳисобланади.

БМТ Тараққиёт дастури хабарномасида айтилишича, илгарироқ Тошкент халқаро аэропорти эҳтиёжлари ўрганилиб, унга кўра Ўзбекистон Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари ҳамда Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитасига топшириш учун махсус идора жиҳозлари харид қилинди.

**«Туркистон-пресс»**

**Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Замонавий санъат марказида «Ерда ҳам, фазода ҳам» мавзуида кўргазма очилди. У Ш.Воҳидовнинг халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси ва «Росзарубежцентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.**

# «ЕРДА ҲАМ, ФАЗОДА ҲАМ»

Кўргазмадан фазовий бўшлиқни забт этишга ҳамда фазогирларнинг ер ва коинотдаги турмушига бағишланган фотосуратлар, тасвирий ва графика асарлари ўрин олган.

Бу ерда тошкентлик журналистлар Шаҳобиддин Зайнуддинов, Виктор Чиркин, Сергей Спиридоновнинг асарларини, мўйқалам усталари Марат Содиқов, Леким Ибрагимов, Мақсуд Тўхтаев ва бошқаларнинг расмларини кўриш мумкин. Таниқли фазогир Владимир Жонибековнинг «Инсон. Ер. Коинот» номли тасвирий асарлари туркуми санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдириши шубҳасиз. Кўргазмага ташриф буюрганлар яқинда халқаро космик станциясида 194 кунлик экспедициядан қайтган Солижон Шарипов фаолиятига бағишланган суратларни ҳам кўриш имкониятига эга бўлади.

Кўргазмада фазогирлар томонидан иллюминатордан, шунингдек, очиқ космосга чиқиш ҳамда орбитада турли тажрибалар ўтказиш пайтида олинган фотосуратларни ҳам кўриш мумкин.

**ЎзА**

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АППАРАТУРАЛАР

**«Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси тиббиёт учун турли хил асбоб-анжомлар, физиотерапия аппаратлари, ташхис қўйиш, жарроҳлик, санитария анжомларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналардан ҳисобланади.**

Айни дамда корхонада 20 номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Фирмада ишлаб чиқарилаётган лазер ва квант аппаратлари, «Поток» номли гальванотерапия қурилмаси, «Супро-дил» комплекс кардиограф компьютерлари, ультрабинафша нурли ёритгичлар, юқори частотали учқун разрядли импульсли электромагнит тўлқинлар билан физиотерапевтик даволашга мўлжалланган «Дарсона» номли аппаратуралари сифати, арзонлиги, бир қанча имкониятларни ўзида мужассамлаштир иши орқали ҳам бошқа чет элда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан рақобатлаша олади. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Дарсона» аппаратураси ўзининг сифати ва мураккаб технологияларни бажара олиши билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда ушбу маҳсулотлар шартнома асосида хорижга экспорт қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, фирма айни пайтда ўзининг қўплаб чет эллик ҳамкорларига эга. Маълумки, ҳамкорлик самара бериб, Ҳиндистонда лазер нури билан даъволаш ва лазер нурини ишлатиш илмий марказлари ташкил қилинди. Бу марказларда асосан лазер аппаратуралари ва сил касаллигини даъволашга зарур асбоб-ускуналарнинг янги нусхалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, фирма Литванинг ультратовушли тиббий сканер аппаратурасини ишлаб чиқишга ихтисослашган «Телемед» фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу ультратовушли сканер аппаратурасининг асосий дастурлари компьютерда жойлашган бўлиб, корхона ходимлари айни пайтда ушбу аппаратура устида иш олиб боришмоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги «Қорасув» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Аёл маънавияти» деб номланди.

• **КЕЧА** «Ўзбекистон» маҳалласида беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича ўтказилган семинар «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

• **АЙНИ** кунларда «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан туманда гри қизлар учун ташкил этилган «Уй бекаси» курслари машғулотлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбир ўн бешинчи августга қадар давом этади.

• **ЎТГАН** куни «Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Эҳсон» супермаркети томонидан ҳамшаҳарларимизга замонавий савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Лутфий маҳалласида Давлат солиқ қўмитасининг ахборот маркази ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида фуқаролар учун уюштирилган очиқ мулоқот солиқ сиёсати ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласига бағишланди.

• **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Моҳларойим» ўқув-амалиёт марказига хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

• **АЙНИ** кунларда «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорликларида «Чоштепа» маҳалласида ёшлар учун инглиз тилини ўрганиш бўйича ташкил этилган ўқув курслари давом этмоқда.

• **ЎТГАН КУНИ** Миробод туманидаги Ал-Термизий маҳалласида беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича ўтказилган машғулот «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

• **ЎТГАН КУНИ** Сергели туманидаги Амир Темур маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Миллий маданиятимизда сиҳат-саломатлик, поклик ва ҳалоллик тушунчалари» деб номланди.

• **ЎТГАН КУНИ** Учтепа туманидаги Акмал Икромов маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат маданият институти талабалари ҳамкорликларида маънавий ҳордиқ чиқариш мақсадида ташкил этилган концерт дастурида маҳалла ёшлари иштирок этишди.

• **МИРОБОД** туманидаги 94-мактабда **ЎТГАН КУНИ** «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган кўчма оммавий спорт ўйинларида Йўлдош Охунбобоев ҳамда «Салор» маҳаллалари жамоалари ўзаро беллашди.

• **КЕЧА** 60-мактабда «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган кўчма оммавий спорт ўйинларида Ойбек маҳалласи ёшлари қатнашди.

• **ЎТГАН** куни Бўстонлиқ туманидаги «Зангори олов» оромгоҳида «Қувноқ стартлар» мусобақалари «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Мустақиллик — улуғ неъмат*

O'ZBEKISTON 14 МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИНГ

**Мустақиллик энг буюк ва олий неъмат эканлигини бугунги кунда юрак-юракдан ҳис этар эканмиз, Истиқлол нашидасидан баҳраманд қалбларимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлмоқда. Қутлуғ байрам арафасида айниқса республикамиз миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган нуфузли ташкилотлар ўтказаётган кўрик-танловлар йилдан йилга такомиллашиб анъанага айланиб бормоқда. Шунингдек, бу танловларга ижодкорлар ўртасида ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда.**

**Айни кунларда Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишланган ижодий асарлар бўйича «Энг улуғ,энг азиз» тан-лови бошланди. Ушбу танлов ва унга тайёргарликнинг бориши хусусида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшма раиси, «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танлови ҳайъат раисининг ўринбосари Исфандиёр ЛАТИПОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди.**

—Маълумки, 1998 йилдан буён мамлакатимиз ёзувчи, шоир ва журналистлари, кино, телерадио,фото ва тасвирий санъат усталари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 сентябрдаги 436-сонли «Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани, азалий ва умумбашарий қадриятлар қарор топаётганлиги, кишилар руҳиятидаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёркин ва ишонарли тасвирлаш юзасидан ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, дизайн усталари, фотосуратчилар ўртасида «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловини ҳар йили мунтазам ўтказиш ва Мустақиллик байрами арафасида якунлаш таъкидлаб ўтилган эди. Шундан бери давом этиб келаётган ушбу кўрик-танловда Республикамизда яшаб,меҳнат қилаётган кўплаб ижодкорлар ўз асарлари билан иштирок этиб келмоқдалар.Ўтган йиллар давомида танлов ҳайъатига ажойиб шеърий, прозаик асарлар, радиоэшиттириш дастурлари, телекўрсатув ва кино сценарийлари, тасвирий санъат, дизайн ҳамда фото асарлар келиб тушди. Уларда юртимизнинг Мустақиллик йилларидаги жўшқин ҳаёти ва ибратли меҳнат жараёнлари, маънавий қадрият ва инсоний фазилатларимиз ўз ифодасини топган. Танловга келган асарлар бўйича Ўзбекистон Қаҳрамони,Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов раислигидаги ҳайъат аъзоларининг фикр-мулоҳазалари тингланади, баҳолаш мезони асосида йиғилиш қатнашчилари ғолибларни аниқлайдилар. Бу йилги кўрик-танловга ҳам кўплаб ижодий ишлар келмоқда. Улар аввало вилоятларда сараланиб, маъқул топилган асарлар Республика танловига юборилмоқда.

Ўтган етти йил давомида анъанавий кўрик-танловнинг фақат Республика ғолиблари сони 90 кишидан ошиб кетди. Улар орасида таниқли адиб ва шоирлардан Мирпўлат Мирзо, Шарифа Салимова, Ғаффор Ҳотамов, Абдулла Турдиев (марҳум), адабиётшунос олимлардан Иброҳим Ғофуров, Султонмурод Олимов, Низомиддин Маҳмудов, Раҳмон Кўчқор, журналистлардан Рўзибой Қўлдошев, Асрор Аброрхўжаев, Фарҳод Бобожонов, Раъно Зарипова, Юсуф Бердиев, тасвирий санъат усталаридан Анорқул Бойбеков, Рустам Жақсибоев, Рустам Худойбергенов, фототасвирчилардан Сергей Спиридонов, Абдувоҳид Тўраев, Абдуғани Жумаев ва дизайнер Нодир Шоазизов каби ижодкорлар бор.

Бу йилги кўрик-танловга ҳам ҳайъат аъзолари алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган бу йилги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида тузилган қўшма қарор асосида олиб бориляпти. Юқоридаги ташкилотлар юртимизда Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни фуқароларимизнинг онгида, қалбида, қиёфасида, руҳиятида рўй бераётган ҳурлик ўзгаришларни кенг тарғиб қилишда ўзаро ҳамкорлик қилмоқдалар. Республика танловига тақдим этилган энг яхши асарлар ҳайъат аъзолари томонидан чуқур ўрганилади. Ғолиб деб топилган асар муаллифлари Мустақиллик байрамининг 14 йиллиги арафасида тантанали равишда мукофотланадилар.

Шу кунларда вилоят газета ва журналларида «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови рукни остида янги-янги асарлар бериб борилмоқда. Ижодкорларимиз кўрик-танловда фаол қатнашиб, мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни, бугунги қаҳрамонларимизнинг меҳнатларини ўз асарларида акс эттириб, ҳайъат аъзоларига юбормоқдалар.

Яқинда мазкур кўрик-танлов ҳайъати аъзоларининг навбатдаги йиғилишида иштирок этган таниқли адиб, шоир, журналист ва олимлардан Мирпўлат Мирзо, Сирожиддин Саййид, Иброҳим Норматов, Муҳаммаджон Раҳматов, Ўрол Ўтаев, Илҳом Ўтанов, Маҳмуд Йўлдошев ва бошқалар республикамиз вилоятларида қалам тебратаётган бир қанча ижодкорлар асарларини кўриб чиқиб,ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Хулоса қилиб айтганда, биз ижодкорларга яхши кайфият ва илҳом тилаган ҳолда улардан Ватанимизда Мустақиллик йилларида рўй берган улкан юксалишлар, халқ орзу-истаклари, бугунги ёшларнинг жасорат ва ташаббуслари, тафаккури ва муҳаббати ҳақидаги асарлар билан бирга, қадимий, бебаҳо миллий урф-одатларимиз ёритилган, эрк ва озодлигимиз учун жонини қурбон қилган адиб ва олимлар,фозилу фузалоларимиз, миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги тарбиявий аҳамиятга эга, шарқона ахлоқ ва одоб, миллий ғурур ва чинакам ватанпарварлик руҳидаги мақола,очерк, назм, наср, видеофильм, фото,кино ва тасвирий санъат асарлари ва телерадио сценарийларини кутиб қоламиз. Шошилинг, мукофотлар сизни кутмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.**

*Таълим*

## МУЛЬТИМЕДИЯ СТУДИЯСИ

Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетида олиб борилаётган ўқув жараёнлари замонавий компьютер қурилмалари ёрдамида амалга оширилмоқда. Бундай бой техник негиз олий ўқув юртида қатор ўқув марказларини очишда қўл келмоқда.

Бу ерда Мультимедиа маркази ҳам ташкил этилди. Илмий-ижодий студия янглиғ фаолият кўрсататётган мазкур марказ қудратли компьютер қурилмалари, видеокамералар, овоз ёзиш аппаратуралари билан жиҳозланди.

Бу эса талабаларнинг мустақил ижодий ишлаш қобилиятларини ўстириш имконини бермоқда. Иқтидорли ёшларнинг бу изланишлари туфайли юқори сифатли мультимедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Улар таълимий жараёнларда қўлланиши билан ҳам аҳамиятлидир.

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Республикамиздаги олий ўқув юртларида номдор стипендиялар олиб ўқиётган иқтидорли талабалар кўп. Улуғ шифокор олим Абу Али ибн Сино номидаги стипендия совриндорлари ҳам ортиб бормоқда. Тошкент Давлат фармацевтика институтида янги таъсис этилган “Ибн Сино” стипендияси ҳам бир аълочи толиби илмга насиб этди.**

Олий ўқув юртининг иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими тавсия этган мавзуларда олиб борилаётган тадқиқотларга ҳам номдор стипендия совриндорлари жалб этилди. Уларнинг изланишлари институтнинг электрон кутубхонасини янги илмий манбалар билан бойитишда ҳам омил бўлади.

## МОДАЛАР ГАЛЕРЕЯСИ

**Республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган кўргазмалар заллари сони яна биттага ортадиган бўлди. Бу янги галерея либослар модалари ва дизайни кўргазмаси сифатида иш бошлайди.**

Уни ташкил этишга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти яқиндан бош қўшди. Олий ўқув юртининг тўқимачилик конструкцияси ҳамда дизайни бўйича фаолият кўрсатаётган кафедралари томонидан кўпгина экспонатлар тўпланди.

Тошкентнинг Чорсу майдонида жойлашадиган Модалар галереясида замонавий либослар намуналари ҳам намойиш қилинади.

**Акбар АЛИЕВ**

**Тошкентдаги Болгария маданий марказида ўтказилган анжуманда «Болгар Клуби» ва «Болгария Дўстлари»ни ягона нодавлат нотижорат ташкилотга бирлаштиришга қарор қилинди.**

## ЭЗГУ ТУЙҒУЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Мазкур маданий марказ раҳбарлигига қайта сайланган Наталя Ивановaнинг фикрига кўра, бирлашиш миллатлараро дўстлик алоқаларини кенгайтиришга, хориж тилларини яхшироқ ўрганишга, маданий тадбирларни кўпроқ ўтказишга имкон беради. .

— Бирлашгандан сўнг қатор тадбирларни ўтказдик, — деди марказ раҳбари.— Масалан, йигит-қизларимиз «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деб номланган йирик тадбирда иштирок этиб, болгар миллий кийимида қўшиқ ва рақсларни ижро этишди. Яна бир муҳим жиҳати шунда бўлдики, аъзоларимиз бошқа маданий марказдаги тенгдошлари билан танишдилар. Ҳозир ҳам мана шу йўналишда фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз.

Энг катта байрамимиз Мустақиллик куни яқинлашмоқда. Бу шодиёнага ҳам ҳар томонлама тайёргарликни бошлаб юборганмиз. Мустақиллик куни тантаналарида ҳаваскор санъаткорларимиз болгарча қўшиқ ва рақсларни ижро этишади. Бундан ташқари байрам арафасида мусиқали кеча ўтказишга, скрипкада концерт дастури беришга тайёрланяпмиз.

Марказ раҳбарининг таъкидлашича, қайтадан ташкил топган Болгария бирлашган маданий марказида тил ўрганиш курслари давом этяпти. Бошловчилар ва болгар тилини мукаммал ўрганувчилар учун эса янги қўлланмалар олинган. Аъзоларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда марказ ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. «Болгар халқ оғзаки ижоди куни» « Миллий таомлар тайёрлаш куни» байрамларини ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбирларнинг барчаси бир мақсадга —турли миллатга мансуб бўлган ёшларда дўстлик, биродарлик, ўзга халқлар тарихи, анъаналарига ҳурмат назари билан қараш туйғуларини шакллантиришга қаратилгандир.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»**



«Китоб — офтоб» деб бежизга айтилмаган. Уни ўқиган сари яна ўқигинг, ташналигингни қондиргинг келаверади.

*Фан*

## УНИВЕРСИТЕТНИНГ ФАХРИЙ ПРОФЕССОРИ

**Истеъдодли ёш олим Баҳодир Пасилов Осиёда экологик инқироз келиб чиқишининг тарихий сабабларини тадқиқ этиш борасида самарали изланмоқда. Шу сабабли ҳам унинг “Чўл ва ярим чўл зоналари: ресурслари, экологияси ва мувозанати” деган мавзуда ўтказилган халқаро илмий конференцияда қилган маърузаси анжуманда яхши баҳоланди.**

Ушбу анжуман Хитой Халқ Республикаси Урумчи шаҳридаги Шинжон университети халқаро маркази томонидан уюштирилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг катта илмий ходими Б.Пасилов мана бир неча йилдирки, мазкур олий ўқув юрти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чўл ва ярим чўл зоналарини ўрганиш борасидаги тадқиқотлари марказ мутахассисларига манзур бўлмоқда.

Бу каби фаоллиги инобатга олиниб, ўзбек тадқиқотчисига Шинжон университети фахрий профессори унвони берилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**






*Ёз — ўтмоқда соз!*

# СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР ҚЎЙНИДА

## болажонларимиз мароқли ҳордиқ чиқармоқдалар

**Одатга кўра ёз — барча ҳордиқ чиқарадиган фасл. Жаҳондаги энг йирик сайёҳлик марказлари ҳам айнан шу фаслда «қайнайди». Энг муҳими, июнь, июль, август ойларида ёзги дам олиш оромгоҳларида болажонларнинг шўх ўйинларию шодон қийқириқлари тинмайди, қизиқарли спорт мусобақалари маданий-маърифий тадбирлардан кўнгиллари хушнуд бўлади, соғлиқларини мустаҳкамлаб, чиниқиб, тобланиб, жонажон мактаблари бағрига қайтадилар.**

**Оромгоҳларда болаларнинг ҳар томонлама мазмунли дам олишларини ташкил этишда шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг ҳам ҳиссаси катта. Бизнинг бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари Баҳодир АҲМЕДОВ билан суҳбатимиз ҳам бу йилги дам олиш мавсумида оромгоҳларда болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг спортга ошно бўлишлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда ташкил этилаётган маданий тадбирлар хусусида кечди.**

***— Баҳодир Мажидович, айтингчи, ёз фаслининг дастлабки икки ойи мобайнида сўлим оромгоҳларда пойтахтлик қанча ўқувчилар ҳордиқ чиқарди? Шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан уларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?***

— Шаҳримиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларга қарашли пойтахт ташқарисидаги хушманзара масканларда жойлашган 28 та ёзги оромгоҳларда жорий йил давомида жами 39400 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Шу билан бирга шаҳримиздаги мактаблар қошида 25 та оромгоҳ очилиб, уларда июнь, оюль ойларида 2,5 минг нафар бола — асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари дам олди. Барча оромгоҳларда шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг туман бўлимлари томонидан ҳар икки сменада маданий ҳамда спорт тадбирлари ўтказиб борилди. Чунончи, шаҳримизда ўн битта туман мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирига 3-4 тадан оромгоҳ бириктирилган бўлиб, уларда маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари мутахассисларининг гуруҳи спорт мусобақалари ва маданий тадбирларни ўтказиб келишди. Жумладан, оромгоҳларда шахмат, шашка, футбол, арқон тортиш, қувноқ стартлар, арқонда сакраш, турли масофаларга югуриш бўйича қизиқарли мусобақалар, маданий тадбирлардан эса викториналар, қувноқ ўйинлар, шаҳримиздаги маданият уйларига қарашли бадиий-ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари ташкил этилди.



***— Жойлардаги маҳаллалар билан ҳамкорликда қандай ишлар олиб борилмоқда?***

— Ҳар бир тумандаги маҳаллалар қамраб олинган бўлиб, оқсоқоллар ва фаоллар кўмагида маданият ва спорт тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Фикримизга мисол тариқасида Собир Раҳимов туманидаги саккизта маҳалла аҳли иштирокида бўлиб ўтган уч авлод учрашувини келтиришимиз мумкин. Унда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган спортсеварлар стол тенниси, шахмат-шашка бўйича ўз куч ва имкониятларини намойиш этишди. Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди. Ҳозир жойларда шу каби мусобақалар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, бошқармамизга қарашли ўн битта маданият ва истироҳат боғларида болалар иштирокида спорт мусобақаларини ўтказишни ўтган ҳафтадан бошладик. Бунда спортнинг болалар энг кўп қизиқадиган футбол, теннис, волейбол, шахмат-шашка турларини танлаб олдик. Шу кунгача бундай мусобақалар Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур, Акмал Икромов маданият ва истироҳат боғларида бўлиб ўтди.

***— Ёзги оромгоҳларда яна қандай ўзига хос тадбирлар ташкил этилмоқда?***

— Шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Хусусан, бош бошқарманинг маданият ва спорт ходимлари гуруҳи тузилиб, июнь ойида «Замондош» маданият уйи раҳбари Аҳмаджон Жалилов бошчилигида, июлда эса Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи раҳбари Фахриддин Икромов бошчилигидаги гуруҳлар шаҳар ташқарисида жойлашган ёзги оромгоҳларда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Гиёвандликка қарши кураш», «Спорт — тинчлик элчиси» каби қатор мавзуларда ўсмирлар билан суҳбатлар, қизиқарли ўйинлар, театрлаштирилган томошалар ва спорт мусобақаларини ўтказиб келишмоқда. Бу борадаги ишларни амалга оширишда айниқса, Тошкент вилоятининг сўлим ва хушманзара гўшаларида жойлашган «Нурафшон», «Трамвайчи», «Қуёшли», «Автомобилчи», «Семурғ» ҳамда Стрельцов номидаги оромгоҳлар биз билан яхши ҳамкорлик қилишяпти.

Бу каби ишларимизни доимо давом эттириб борамиз.

***— Мароқли суҳбат учун ташаккур. Болажонларнинг маданий ва жисмоний камолоти йўлида амалга ошираётган ишларингизда омад ёр бўлсин.***

**Дилшод ИСРОИЛОВ**
**суҳбатлашди.**

**СУРАТЛАРДА: болажонларимиз оромгоҳларда мана шундай кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.**





Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.

● Ёшликда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Ёшлик мастлиги шароб мастлигидан ортиқ.

Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.

● Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши.

● Тинимсиз зиёратдан малоллик туғилади.

● Йўлга чиқишдан аввал йўлдош қидир.

● Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

● Байт:

**Яхшилар айбидан кўз**
**юмгин ҳар он,**
**Ҳасад кўзи билан**
**боқмагил зиён.**
**Ўз айбинг кўрмоққа**
**юз марта кўз оч,**
**Ўзгага бир бор кам**
**кўз очишдан қоч!**

● ҲИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

**Душманингга душман**
**бўлади дўстинг,**
**Душманингга ул ҳам**
**бўлади ағёр.**
**Душманингга дўстлик**
**айласа дўстинг.**
**Душмандир у аканг**
**бўлса ҳам зинҳор!**

● Донолардан бири айтади:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

● Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Кимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиришади ва бегоналарни яқинлаштиради. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

*Спорт*

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲС ОЛДИДАН

**17 августда Кувайт терма жамоаси билан ўтказиладиган охирги ўйин муваффақиятли кечса, чарм тўп усталаримиз учун Германияда келаси йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати учун йўл очилиши мумкин.**

Ушбу жиддий ўйинга футболчиларимиз пухта ҳозирлик кўришмоқда. Хусусан, тайёргарлик доирасида ўтган куни миллий терма жамоамиз Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан ўртоқлик-назорат учрашувини ўтказди. Унда бош жамоамиз таркибидан М.Қосимов, И.Нестеров, Б.Ашурматов, А.Алиқулов, С.Жепаров, А.Солиев каби етакчи чарм тўп усталаримиз билан бир қаторда И.Суюнов, С.Абдуллаев, А.Ҳайдаров, П.Соломин каби умидли ёшлар ҳам ўрин олганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўртоқлик учрашуви 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Футбол федерациясининг саъй-ҳаракатлари билан терма жамоамизга янги бош мураббий —англиялик тажрибали мутахассис Роберт Хоугтон тайинланди. Кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида спорт журналистлари ҳамда Р.Хоугтон иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда янги мураббий жамоа таркибини шакллантириш ва ҳал қилувчи баҳсга тайёргарлик юзасидан ўз режалари билан ўртоқлашди. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

**Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек бокс мактабининг довруғи оламга таралиб, кўплаб улкан юлдузлар етишиб чикди.**

Ҳозирда Олимпиада ва жаҳон чемпионлари — Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткирбек Ҳайдаровларнинг хайрли анъаналарини Беҳзод Хидиров, Рустам Саидов, Шерзод Ҳусанов каби кўплаб иқтидорли чарм қўлқоп усталари муносиб давом эттирмоқдалар.

Қримнинг хушманзара Севастополь шаҳрида олти кун давомида бўлиб ўтган нуфузли «Қора денгиз» халқаро мусобақалари фикримизнинг яна бир исботидир. Унда иштирок этган деярли барча боксчиларимиз совринли ўринларни эгаллашди: Жумладан, Б.Султонов ва Б.Хидировлар олтин нишонларни қўлга киритишган бўлса, спортчиларимиз яна битта кумуш ва тўртта бронза медалларининг соҳиблари бўлишиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

**(Ўз мухбиримиз)**





*Техник кўрик — 2005*

## АВТОУЛОВ—ХИЗМАТГА ШАЙ

**Бугун кенг ва равон кўчаларимизни тўлдириб ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган автотўқнашувларнинг олдини олиш, инсон ҳаётини бахтсиз ходиса, бевақт ўлимдан сақлаш учун албатта хоҳ у автобус, хоҳ енгил машина бўлсин техник жиҳатдан шай, йўлга чиқишга яроқли ҳолатда бўлиши даркор. Бу борада Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари зиммасига чуқур масъулият юклатилган. Биз Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 2-диагностика тармоғида бўлиб иш жараёни билан яқиндан танишдик. Соҳа ходимлари ва ҳайдовчилар билан суҳбатлашиб техник кўрикнинг қай даражада аҳамиятли экани ҳақида фикр юритдик.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31январдаги «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 26 декабрдаги «Механик транспорт воситалари ва тиркамаларни давлат техник кўригидан ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ айни кунларда бутун республикамизда автоуловларни техник кўрикдан ўтказиш ишлари давом этмоқда. 31 августгача ўтказиладиган ушбу кўрикда барча корхона, муассаса ва ташкилотларга қарашли бўлган механик транспорт воситалари ва тиркамалари, фуқароларга тегишли бўлган шахсий транспорт воситаларининг тормоз тизими, рул бошқармасининг ўз ўрнида эканлиги, газ мосламасининг давлат стандартига тўғри келиш-келмаслиги, яъни автоуловнинг йўлга чиқишга шайлиги каби қатор жиҳатлар назоратдан ўтказилади.

— Йилимизнинг Сиҳат-саломатлик йили деб номланишининг ўзиёқ ишимизга яна бир карра масъулият билан қарашга, яъни бош мақсадни инсон саломатлигига эътибор қаратиш деб белгилашга ундайди, — дейди биз билан суҳбатда 2-диагностика тармоғи бошлиғи, подполковник Шуҳрат Аҳмаджонов. — Техник кўрик давомида биз айниқса автобус, микроавтобус, юк автомобили, шахсий турдаги барча транспорт воситаларини диққат билан назоратдан ўтказамиз. Чунки техник кўрикдан вақтида ўтказилган транспорт воситасигина инсон ҳаётини ҳам, ҳайдовчи ҳаётини ҳам хавф-хатарга қўймайди, давлатга, қолаверса жамиятга зарар келтирмайди, машина саҳарда йўлга чиқиб авария ҳолатида гаражга қайтмайди. Албатта, биз имкон борича бу борада ҳайдовчилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Яна шуни айтиб ўтишни лозим деб биламанки, шаҳримиз аҳолисига янада қулайлик яратиш мақсадида гараж хўжалиги ва маҳалла қўмиталари билан биргаликда маҳаллаларда, йирик автогараж, пуллик автомобиль тўхтаб туриш жойларида шахсий автомобилларни кўчма техник кўрикдан ўтказишни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳамшаҳарларимиз бир нарсага эътиборни қаратишларини истардимки, бизнинг бош мақсадимиз давлатимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб, хавфсизлигини таъминлаш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси, инсонларнинг сиҳат-саломатлиги, ҳаётининг хавф-хатардан ҳоли бўлишига эришиш, Улуғ ва азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини зиммамиздаги масъулиятли вазифани уддалаб, ёруғ юз билан кутиб олишдир.

Биз 2-диагностика тармоғида кун мобайнида бўлиб, транспорт воситаларининг кўрикдан ўтказилиш жараёнини кузатиб шундай хулосага келдик: техник кўрикдан ўтказилиб, «техник ҳолати шай» деган ёрлиққа эга бўлган ҳар бир транспорт воситаси хавфсизлигимиз кафолати бўлиб хизмат қила олади, буни ҳар бир ҳайдовчи тушуниб вақтида ўз уловини назоратдан ўтказиши лозим.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 2-диагностика тармоғи фаолиятидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Болалар спорти*

## «ЁЗГИ ТАЪТИЛ – 2005» МУСОБАҚАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси «Соғлом келажак - соғлом болалар қўлида» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этди.**

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ёзги дам олиш даврида жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларини меҳнат таътилига жадвал асосида чиқариш ҳамда таътилни оиласи бағрида ўтказаётган ўқувчилар учун мактаблардаги барча спорт заллари ва майдончаларининг ёзда ҳам узлуксиз ишлашини таъминлашдан иборат.

Жамғарма матбуот хизматидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, айни пайтда ўқувчилар спорт мажмуаларида, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида чиниқиш машғулотлари давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида «Ёзги таътил — 2005» спорт мусобақаларининг туман босқичи якунланди. Унда юзга яқин ўғил-қиз баскетбол, енгил атлетика, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синашди.

Баскетбол бўйича ўғил болалар ўртасида ўтган беллашувларда 247-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритди. Қизлардан 257-мактаб баскетболчиларига тенг келадигани топилмади. Шахматда 258-мактаб қизлари зафар қучди. Шашка ва енгил атлетика баҳсларида 246-мактаб вакиллари барча рақибларини ортда қолдириб, мусобақанинг якуний босқичига йўлланма олди.

«Ёзги таътил — 2005» спорт мусобақалари ёз давомида болаларга севимли спорт турлари бўйича машғулотларни давом эттириши учун замин яратмоқда. Мазкур даргоҳларда барча машғулотлар юксак малакали мутахассислар томонидан ўтказилаяпти.

**ЎзА**

*Мунажжим башорати*

## ТОМОРҚАДА ИШЛАШГА НИМА ЕТСИН

**28 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА**

**Мунажжимлар бугун табиат қўйнида кўпроқ бўлиш, хонаки жониворларга ғамхўрлик қилиш, томорқадаги экинлар ва дарахтларни парваришлашни – бир сўз билан айтганда – уйда ўтирмасликни маслаҳат беришади.**

Ёлғизликдан кўра жамоа билан бирга бўлиш, янги ишларни бошлаб юбориш, кўпчилик билан муҳим тадбирлар ўтказиш, масъулиятдан қочмай иш кўриш омад келтиради.

Ёлғиз қолиб, тушкунликка берилиш ўрнига одамлар билан мулоқотда бўлинг, танишлар орттиринг, қувноқ-хушчақчақ бўлиб, ҳаётдан завқланинг. Алтруист бўлинг – яъни бошқаларга билим ва тажрибаларингизни ўргатинг, меҳмонларни таклиф этинг – дўстларингиз ва фарзандларингизга байрам дастурхони ҳамда кайфиятини ҳадя этинг.

Бугун сирли илмлар ўрганиладиган, улардан фойдаланиладиган кун. Шунинг учун қизиққан илм соҳасида китоб мутолаа қилинг, муқаддас рамзлар ва белгилар сирини очишга, китоблар ва ёзувларда яширинган сирларни англаб етишга интилинг.

Бу кеча кўрган ёрқин тушларингизнинг ёдда қоладиганлари ва қуёш кўтарилгандан кейин кўрилганлари башоратли бўлади. Тушда чақмоқ, камалак ранглари ҳамда оловни кўриш – эзгуликка.

Томоғингиз ва товуш пайларини эҳтиёт қилинг, жуда совуқ суюқликларни ичманг.

**ПАЙШАНБАДА:**

— бирон-бир ишингизни поёнига етказиш;
— транспорт муаммоларини ҳал этиш;
— одамларга хайрихоҳ ва мулозаматли бўлиш;
— турли муаммолар ечимида ички туйғуларингизга таяниш;
— вақтингизни шаҳар ташқарисида, табиат қўйнида, дала ҳовлида ўтказиш, деҳқончилик билан шуғулланиш;
— яқин кишиларингизга ғамхўрлик қилиш, хонаки жониворларга кўпроқ эътибор бериш;
— сув бўйида дам олиш, анҳор ва дарёларда чўмилиш тавсия этилади.

Бугун янги иш бошламаганингиз маъқул.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги қошидаги «AVTOTO'HTOVTEXXIZMAT» бошқармаси Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги қошидаги «SHAYXONTOHUR INVEST» Давлат унитар корхонасига қўшиб юборилганлиги сабабли «SHAYXONTOHUR INVEST» Давлат унитар корхонаси «AVTOTO'HTOVTEXXIZMAT» бошқармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгардир. Телефон: 41-01-50.

**Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Моддий-техник таъминоти бошқармаси» давлат унитар корхонасининг Низом жамғармаси миқдори 311776000,0 (уч юз ўн бир миллион етти юз етмиш олти минг) сўмдан 232125 000,0 (икки юз ўттиз икки миллион бир юз йигирма беш минг) сўмга камайтирилиб 79651000,0 (етмиш тўққиз миллион олти юз эллик бир минг) сўм қилиб белгиланади.**

**Мурожаат учун телефонлар: 144-72-65, 148-07-81.**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-609.

1 2 3 4 6